Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 14 (8504). ● 19 январь, 1985 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

Бугун Тошкентда пойтахт область комсомол ташкилотининг XXIII ҳисобот-сайлов конференцияси очилади.

Конференция делегатларига алангали салом!

КОММУНИЗМНИНГ ЁШ БУНЁДКОРЛАРИ

Бугун областимиз йигит ва қизларининг ишда, ўқишда, жамиятимиз ҳаётида, ҳар соҳада активлик кўрсатиб тенгдошларига намуна бўлаётган вакиллари XXIII область комсомол конференциясига тўпланадилар. Улар область комсомол ташкилотининг 675 минг кишилик катта отряди олиб бораётган ишлар, олдинда турган вазифа ва режалар ҳақида маслаҳатлашиб, кенгашиб оладилар.

Кекса авлоднинг шонли эстафетасини муваффақиятли давом эттираётган йигит ва қизларни бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган ҳамма жойда кўриш мумкин. Улар коммунистлар раҳбарлиги ва раҳнамолигида кундалик жўшқин фаолиятлари билан комсомол шуҳрати йилномасига янги-янги саҳифалар битмоқдалар.

«Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижоди — ўн биринчи беш йилликка!» шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракати кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Ҳозирги вақтда энг муҳим қурилишларнинг 135 таси комсомол-зарбдор қурилишлари ҳисобланади. Улар ёшларимиз учун меҳнатда чиниқиш ва касб-ҳунар ўрганишнинг ҳақиқий мактабига айлангандир.

Областимиз шаҳар ва районларидаги комсомол комитетлари ёшларни фан-техника тараққиётини жадаллаштириш комплекс программасини амалга оширишга ҳам тобора активроқ жалб қилмоқдалар. Аввалги конференциядан буён ўтган вақт ичида ёш новаторлар 7 мингдан ортиқ рационализаторлик таклифлари киритдилар. Бу таклифларнинг иқтисодий самараси 11 миллион сўмликдан ортиқ бўлди.

Йигит ва қизларнинг мамлакат Озиқ-овқат программасини бажаришга қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳам алоҳида тўхталиш мумкин. Областимиз комсомол-ёшлари ўтган йили пахта далаларида ғайрат билан ишладилар. 135 комсомол-ёшлар коллективлари ўз мажбуриятларини муддатидан илгари бажариб, қийин мавсумни муваффақиятли якунладилар ва ҳар гектар пахта майдонидан ўртача 40—45 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар.

Чорвачилик ёшларимиз учун зарбдор фронтга айланмоқда. Бу соҳада меҳнат қилаётган йигит-қизларнинг катта ҳиссаси туфайли гўшт, сут, тухум етиштиришда муайян ютуқларга эришилмоқда. Ҳозирги вақтда жами 11 мингдан ортиқ комсомоллар чорвачилик ва деҳқончиликда меҳнат қилишмоқда. Область комсомол комитети ташкил этаётган илғор тажриба мактаби ва курслари ёш чорвадорларнинг энг яхши ишлари ва ташаббусларини кенг ёйишга хизмат қилмоқда.

Область комсомол ташкилотининг каттагина отрядини студентлар ва ўқувчилар ташкил қилади. Пойтахт областининг олий, ўрта махсус билим юртларида таълим олаётган ёшлар ўқишни меҳнат билан, илмий тадқиқотлар билан муваффақиятли қўшиб олиб боришга ҳаракат қилмоқдалар. Студент қурилиш отрядлари, ўқувчилар бригадалари ёшларнинг барча бунёдкорлик ишларига тўла алоқадорлигини ҳис этишига, уларнинг ҳақиқий меҳнат мактабидан ўтишига ёрдам бермоқда. Аввалги конференциядан буён ўтган давр ичида студент-қурилиш отрядлари 10 миллион сўмликдан ортиқ капитал маблағларни ўзлаштирдилар. Ёш қурувчилар сафларига юқори синф ўқувчилари ҳам тобора кўпроқ қўшилаётганлиги, ёзги таътил кунлари фойдали меҳнат билан ўтаётганлиги диққатга сазовордир.

Область комсомол ташкилотлари ёшларни ғоявий чиниқтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Йигит ва қизлар ўртасида ғоявий-ахлоқий тарбияни кучайтиришда комсомол сиёсий ўқуви ва иқтисодий таълим системасининг роли муҳимдир. Ёш авлодни марксизм-ленинизм ғоялари, юксак идеаллар руҳида тарбиялашда лекция пропагандаси, «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга!» ленинча заветидан кенг фойдаланилмоқда.

Ҳозир ҳамма жойда Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу шонли сана муносабати билан жойларда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишлар янгича мазмун, янги услуб билан бойитилмоқда. Революцион жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларида бўйлаб ёшларнинг Бутуниттифоқ юришлари маршрутлари кенгаймоқда. Минг-минглаб мактаб ўқувчилари ва ҳунар-техника билим юртларининг талабалари «Орлёнок» ва «Зарница» ҳарбий-спорт ўйинларида қатнашмоқдалар. Комсомол ва пионерларнинг уруш инвалидлари ҳамда фронтда ҳалок бўлганларнинг оналарига кўрсатаётган оталиғини фарзандларнинг кексалар ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг чинакам намунаси дейиш мумкин.

Яқинда Янгийўл районидаги Ленин номли колхознинг Г. Болтабоева бошлиқ бригадаси янги бир ташаббус билан чиқди. Бу бригада аъзолари юртдошлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Илёс Ўрозовни ўз сафларига фахрий аъзо сифатида қабул қилиб олиб, унинг учун ҳам меҳнат қилишга сўз бердилар. Шонли Ғалаба байрами шарафига бригаданинг ёш пахтакорлари 45 центнерлик ҳосил учун курашиш мажбуриятини зиммаларига олдилар. Айни чоғда улар барча ҳамкасбларини фронтда ҳалок бўлган жангчиларнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг пойтахт комсомол-ёшлар бригадалари сафига киритиб, оширилган социалистик мажбуриятлар олишга даъват этмоқдалар. Бу ҳамма ерда кенг қўллаб-қувватланиб, арзийдиган қимматли ватанпарварлик ҳаракатидир.

Шу йил ёзида Ватанимиз пойтахти Москвада ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали бўлади. Ер юзи прогрессив ёшларининг бу улкан байрамига муносиб тарзда тайёрланиш ва унда қатнашиш ҳам область комсомол ташкилотларидан ўз фаолиятларини ҳар томонлама кучайтиришни талаб қилади.

Областимиз партия ташкилотлари комсомолга раҳбарликни яхшилаш, уларнинг хайрли ишларини қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириш, комсомолнинг фаолияти самарали бўлиши учун курашмоқдалар. Бу — ёшлар ташкилотларига эскича усулда ишлаш, расмиятчилик, юзакичиликдан тезроқ қутилишга ёрдам бермоқда. Зотан, ҳозирги давр талаби ҳам шундай.

КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, партия раҳбарлари ёшлар меҳнат қилаётган, ўқиётган, ҳордиқ чиқараётган жойларга мунтазам равишда бориб туришлари, уларни қизиқтираётган масалалар юзасидан, улар билан ошкора, аниқ-равшан суҳбат ўтказишлари, бу масалалар юзасидан батафсил жавоб беришлари керак. Ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган кўрсатмаларига амал қилган ҳолда иш олиб бориш ҳар бир бошланғич комсомол ташкилоти фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим. Юксак ғоявий-ахлоқий фазилатлар, аввало коммунистик эътиқод, социал активлик, меҳнатсеварлик ва интизом, муштарак иш учун жавобгарлик, ҳар томонлама маданиятли бўлиш, учраб турадиган қийинчиликларни бартараф қила билиш ҳозирги ёшларимизга хос хусусиятлар бўлиб қолиши керак.

Комсомол ташкилотлари бундан буён ҳам бутун фаолиятларини йигит-қизларнинг халқимиз энг яхши анъаналарининг муносиб меросхўрлари бўлиб етишишига қаратишлари лозим.

Область комсомол-ёшлари ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариб, меҳнатда фан ва техника соҳасида, ҳарбий хизматда, ўқишда, бадиий ижодиётда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиб, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга даъват этилганлар. Улар ўзларининг қалб қўри ва куч-ғайратларини Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, улуғ Ленин ишига, партия ишига бағишлайверадилар.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР ОЛИЙ СОВЕТЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИГА

ОЧИҚ ХАТ

Азиз ўртоқлар!

Биз, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, корхоналар, колхозлар, совхозларнинг, муассасалар, ўқув юртларининг ва ҳарбий қисмларнинг коллективларидан, шунингдек округ сайловолди, кенгашларининг қатнашчиларидан хат ва телеграммалар олдик. Бу хат ва телеграммаларда ҳар биримиз иттифоқдош республикалар Олий Советлари депутатлигига бир қанча сайлов округларидан номзод этиб кўрсатилганлигимиз хабар қилинади ва ана шу округларда овозга қўйилиш учун розилик беришимиз сўралади.

Бизни иттифоқдош республикалар Олий Советлари депутатлигига номзод қилиб кўрсатган ва номзод этиб кўрсатилишимизни қўллаб-қувватлаган ишчиларга, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчиларга, армия ва флот жангчиларига, барча сайловчиларга бизга кўрсатилган шараф ва зўр ишонч учун астойдил миннатдорчилик изҳор этамиз, биз буни батамом ленинчи партиямизга кўрсатилган шараф ва ишонч деб биламиз.

Коммунистлар билан партиясизлар блокининг номзодлари якдиллик билан кўрсатилаётганлиги совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагида маҳкам жипслашганлигидан, партиянинг социалистик Ватан иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, совет халқи фаровонлигини оширишга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган ички ҳамда ташқи сиёсатини чексиз қўллаб-қувватлаётганликларидан, партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш учун кураш да меҳнаткашларнинг активлиги юксак даражада эканлигидан далолат бермоқда. Бу — ленинча миллий сиёсат тантанасининг, мамлакатимиз халқлари улуғ дўстлиги ва бирлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Меҳнат коллективлари ўз мурожаатларида эришилган муваффақиятлар тўғрисида, 1985 йил учун қабул қилинаётган юксак мажбуриятлар ва муқобил планлар ҳақида, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш, пландан ташқари тежаш фондларини вужудга келтириш, фан-техника тараққиётини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ватанпарварлик ишлари тўғрисида хабар қилмоқдалар. Партиянинг беш йилликни муносиб тугаллаш, экономикани интенсивлашни жадаллаштириш тўғрисидаги даъвати омма ўртасида кенг кўламда маъқуллаб кутиб олинди. Бу эса совет кишилари Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 40 йиллигини, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXII съездини юксак меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашларига бўлган ишончни янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Ҳар биримиз иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларига сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ фақат битта сайлов округида овозга қўйилишимиз мумкинлиги сабабли КПСС Марказий Комитети бизга қуйидаги сайлов округларида овозга қўйилиш учун розилик беришимизни тавсия этди:

Черненко К. У. — РСФСР, Москва шаҳри, Куйбишев сайлов округи,
Алиев Г. А. — РСФСР, Олтой ўлкаси, Марказий сайлов округи,
Воротников В. И. — РСФСР, Волгоград области, Красний октябрь сайлов округи,
Горбачев М. С. — РСФСР, Москва шаҳри, Киев сайлов округи,
Гришин В. В. — РСФСР, Москва шаҳри, Вешняков сайлов округи,
Громико А. А. — РСФСР, Москва области, Калининград сайлов округи,
Кунаев Д. А. — Қозоғистон ССР, Олмаота области, Баканас сайлов округи,
Романов Г. В. — РСФСР, Ленинград шаҳри, Смольний сайлов округи,
Соломенцев М. С. — РСФСР, Челябинск области, Миас сайлов округи,
Тихонов Н. А. — РСФСР, Москва шаҳри, Фрунзе сайлов округи,
Шчербицкий В. В. — Украина ССР, Днепропетровск области, Баглей сайлов округи,
Демичев П. Н. — РСФСР, Ярославль области, Киров сайлов округи,
Долгих В. И. — РСФСР, Липецк области, Новолипецк сайлов округи,
Кузнецов В. В. — РСФСР, Москва области, Электросталь сайлов округи,
Пономарев Б. Н. — РСФСР, Саратов области, Завод сайлов округи,
Чебриков В. М. — РСФСР, Приморье ўлкаси, Ленин сайлов округи,
Шеварднадзе Э. А. — Грузия ССР, Рух сайлов округи,
Зимянин М. В. — РСФСР, Воронеж области, Железнодорожний сайлов округи,
Капитонов И. В. — РСФСР, Москва области, Подольск шаҳар сайлов округи,
Лигачев Е. К. — РСФСР, Куйбишев области, Автозавод сайлов округи,
Русаков К. В. — РСФСР, Ростов области, Пролетар сайлов округи,
Рижков Н. И. — РСФСР, Новосибирск области, Завод сайлов округи.

Тегишли округ сайлов комиссияларидан иттифоқдош республикалар Олий Советлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш вақтида шу хатни ҳужжат сифатида қабул қилишларини сўраймиз.

ЧЕРНЕНКО К. У.
АЛИЕВ Г. А.
ВОРОТНИКОВ В. И.
ГОРБАЧЕВ М. С.
ГРИШИН В. В.
ГРОМИКО А. А.
КУНАЕВ Д. А.
РОМАНОВ Г. В.
СОЛОМЕНЦЕВ М. С.
ТИХОНОВ Н. А.
ШЧЕРБИЦКИЙ В. В.
ДЕМИЧЕВ П. Н.
ДОЛГИХ В. И.
КУЗНЕЦОВ В. В.
ПОНОМАРЕВ Б. Н.
ЧЕБРИКОВ В. М.
ШЕВАРДНАДЗЕ Э. А.
ЗИМЯНИН М. В.
КАПИТОНОВ И. В.
ЛИГАЧЕВ Е. К.
РУСАКОВ К. В.
РИЖКОВ Н. И.

ҲАРБИЙ МАҲОРАТНИ ОШИРА БОРИБ

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг жангчилари Ватанимизнинг жанубий чегараларини пухта ва комил ишонч билан қўриқламоқдалар. Улардан минглаб кишилар ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочиси деган фахрли номга сазовор бўлганлар. Аъло даражада ишлаётган бўлинмалар ва қисмлар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бироқ ҳарбий маҳоратни такомиллаштиришнинг чеки йўқ. 18 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган округ комсомол конференциясининг делегатлари шу ҳақда гапирдилар.

Ҳарбий кенгаш аъзоси — округ сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал-лейтенант Н. А. Моисеевнинг докладида ва конференция қатнашчиларининг нутқларида ҳозирги мураккаб халқаро вазият шароитларида мамлакат мудофаа потенциалининг роли муттасил ошиб бораётганлиги таъкидланди. Бу совет халқининг тинч ва бунёдкорлик меҳнатининигина эмас, балки ер юзида ялпи тинчликнинг ҳам гаровидир. Шунинг учун ҳозирги вақтда жангчиларнинг ҳарбий тайёргарлиги, ҳар бир солдат, сержант ва офицернинг маҳорати мунтазам такомиллаштирилиши айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Армия комсомолларининг бутун куч-ғайрати КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ К. У. Черненконинг комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган тавсиялар ва йўл-йўриқларни янада аниқроқ амалга оширишга сарфланиши лозим.

Туркистон ҳарбий округининг жангчилари мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Округ комсомоллари ва ёшлари «Бизнинг фидокорона шавкатли меҳнатимиз — буюк Ғалабанинг 40 йиллигига, КПСС XXVII съездига» шиори остида ўтаётган умумармия социалистик мусобақасига актив қўшилдилар. Уларнинг кўпчилиги ҳарбий таълим чоғида ўзларининг классини, малакасини оширмоқда, турдош касбларни, қудратли техниканинг тобора янги-янги турларини муваффақиятли ўзлаштирмоқда.

Ёш жангчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишини янада кучайтириш ва у жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак пировард натижаларга эришилишига қаратилиши зарур, деб айтишди конференция қатнашчилари. СССР мудофаа министрининг буйруқларида айни мана шу талаб баён этилган. Армияга чақирилувчи ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда армия комсомоли ролини ошириш лозим. Туркистон ҳарбий округининг ҳарбий комсомоллари пионерларнинг «Зарница» ўйинини уюштиришда, ҳарбий ватанпарварлик мактаблари, клублари ва тўгаракларини ташкил этишда, «Қидирув» операциясини ўтказишда ғоят актив қатнашмоқдалар.

СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали С. Л. Соколов конференция қатнашчилари ҳузурида катта нутқ сўзлади.

Конференцияда ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. М. Мишин сўзга чиқди.

Конференция иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ К. У. Черненкога баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник Н. И. Попов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. И. Рачков, СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Жонибеков, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов, Туркманистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Чориева иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

БУТУН ХАЛҚ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

24 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга сайловлар КУНИ

Ўзбекистонда ўтказилаётган округ сайловолди кенгашларида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган қуйидаги номзодлар якдиллик билан қўллаб-қувватланди: Тошкент грампластинкалар заводининг гальваниги **Алефтина Ивановна Шамсуддинова**, Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **Ахтамбек Иброҳимович Фозилбеков**, Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий Округи Ҳарбий-ҳаво кучлари қўмондони **Владимир Геннадьевич Шканакин**, Коммунистик район партия комитетининг биринчи секретари **Уммат Маматқулович Мирзақулов**, Тошкент областидаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли совхознинг чорвадор-оператори **Рисқибу Усмоновна Эгамберднева**, Тошкент областидаги Охунбобоев номли совхоз директори **Аппаз Есхўжаевич Бакиров**.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК ИШОНЧ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатиш якдиллик ва жипслик вазиятида давом этмоқда.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари **Владислав Николаевич Колесников** 1-Фурманов сайлов округидан, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси **Лариса Владимировна Дмитриенко** 5-Подмосковье сайлов округидан, «Ташсельмаш» заводининг директори **Ҳамидулла Ҳабибуллаевич Ғуломов** 45-Сельмаш сайлов округидан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори **Виталий Николаевич Сигедин** 60-Олтинтопган сайлов округидан, Бекобод цемент комбинатининг машинисти **Тимур Анварович Тошмуҳамедов** 66-Фарҳод сайлов округидан, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **Сергей Михайлович Нестеренко** 68-Пролетар сайлов округидан, Тошкент область Калинин районидаги Калинин номли колхоз бош агрономи **Дадақўзи Каримов** 90-Назарбек сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Маориф министри **Ойдин Солиҳовна Аббосова** 102-Саид сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Маданият министри **Заҳро Раҳимбобоева** 108-Келес сайлов округидан, Тошкент областидаги Партия XXIV съезди номли совхоз сут соғувчиси **Бубихон Мусировна Норқулова** 102-Эски Тошкент сайлов округидан, «Союзўзбекгазпром» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг бошлиғи **Алихон Раҳматович Отажонов** 174-Газли сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министри **Хушвақт Ражабович Қўйбоқаров** 234-Ленинград сайлов округидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири **Иброҳим Камолович Ҳусниддинов** 263-Марказий сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетининг раиси **Мирғиёс Аббосович Зоидов** 272-Чортоқ сайлов округидан, Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг раиси **Жавлат Юсупович Умарбеков** 277-Терговчи сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри **Виталий Павлович Куксенко** 315-Янгиқўрғон сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Мева сабзавот хўжалиги министри **Раҳматулла Абдуллаев** 317-Булунғур сайлов округидан, Ўзбекистон ССР Молия министри **Ислом Абдуғаниевич Каримов** 328-Қорадарё сайлов округидан республика давлат ҳокимияти олий органига депутатликка номзодлар қилиб кўрсатилдилар.

* * *

Халқ депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига номзодларни кўрсатиш давом этмоқда.

Оққўрғон районидаги «Оққўрғон» совхозининг ишчиси **Малика Аҳмедова** 133-округидан, «Совет» колхозининг раиси **Ўрмон Ғафурович Шокиржонов** 240-(Калинин райони)—Қорақулдуқ сайлов округидан депутатликка номзод қилиб кўрсатилдилар.

Дружба сайлов округидан, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис бойитиш фабрикасининг директори **Виктор Андреевич Громилов** 10-Фрунзе сайлов округидан, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг аъзоси **Мавжуда Йўлдошева** 275-Аргин сайлов округидан, Калинин район марказий касалхонаси врачи **Раъно Ҳошимовна Алимова** 222-Бўстон сайлов округидан, Бўка районидаги пахта тозалаш заводининг ишчиси **Турдихон Маматова** 194-Ленин сайлов округидан, область ишлаб чиқариш техник алоқа бошқармаси бошлиғи **Анатолий Николаевич Кудинов** 54-Индустрия сайлов округидан, «Алмалиқсвинецстрой» трестининг 345-механизациялашган кўчма колоннаси электр пайвандчиси **Ражаб Исабоевич Жўраев** 12-Октябрь сайлов округидан, Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг аъзоси **Завра Абиловна Қўлдошева** 126-Хонобод сайлов округидан, Ғалаба районидаги Киров номли колхознинг инженер-ирригатори **Кенесбой Аширбеков** 206-Комсомол сайлов округидан, «Бекабадторг»га қарашли 82-магазин сотувчиси **Инобат Муминова** 67-Навоий сайлов округидан, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози правлениесининг раиси **Мария Леонтьевна Пугачёва** 263-Маданият сайлов округидан, Тошкент область ДОСААФ комитетининг раиси **Ўрмон Ғафурович Шокиржонов** 240-(Калинин райони)—Қорақулдуқ сайлов округидан депутатликка номзод қилиб кўрсатилдилар.

ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ПРЕЗИДИУМИГА

МЕҲНАТ КАЛЕНДАРИДА— ЯНГИ БЕШ ЙИЛЛИК

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг 64 ёш тўқувчиси область комсомол конференцияси арафасида ўз меҳнат календарларида ўн иккинчи беш йиллик бошланганлигини маълум қилди. Беш йилликдан ўзиб ишлаётган ёшлар орасида А. Ҳисматуллина, Т. Гавриленко, З. Дадабоева каби комсомоллар бор.

Корхонада 96 та комсомол-ёшлар коллективи меҳнат қилмоқда. Улар сафига бирлашган 6 мингдан ортиқ йигит-қиз «Зарбдор меҳнатимиз, билим, ташаббус ва ижодимиз — беш йилликка!» деган шиор остида бошланган мусобақада актив иштирок этмоқда. 300 дан ортиқ ёш тўқувчи республикамиз юбилейи арафасида беш йилликкинг тўрт йили топшириғини бажариб қўйган эди. Ҳозирги кунда буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллиги шарафига бошланган мусобақада барча ёшлар актив иштирок этмоқдалар.

Ёш тўқувчилар ўртасида «Ёш ишчига — мураббий марраси» деган шиор ҳам баланд кўтарилган. Ҳозир 436 тўқувчи қиз шу мусобақада актив иштирок этмоқда.

Ёшларнинг билим ва маҳоратини оширишда снёсий ва иқтисодий ўқув катта ёрдам берапти. 583 нафар комсомол-ёш ўқувнинг турли формаларига жалб этилган. 3 мингга яқин йигит-қиз эса ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртлари, техникумлар, кечки ишчи-ёшлар мактабларида билим олмоқда.

Комбинат комсомол ташкилоти ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив ёшларни партия сафига тавсия этмоқда. Ўтган йили 248 йигит-қиз шундай ишончга сазовор бўлди.

ҚЎШИМЧА 2,5 МИЛЛИОН СЎМЛИК

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ёшлари ўтган йили мусобақада актив иштирок этиб, қўшимча 2,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Б. Аймекова бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи йил давомида меҳнат унумдорлигини планга қўшимча равишда салкам 2 процент оширишга эришди.

Ҳозир корхонада буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига янги ташаббуслар туғилмоқда. Ф. Хўжаев бошлиқ комсомол-ёшлар коллективи Ғалаба кунигача 4,5 йиллик планни бажаришга, қўшимча 23 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Бирлашмада йилдан ўзиб ишлаётган йигит-қизлар сони ой сайин ошиб бормоқда. Ҳозир 90 ишчи янги беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Улар орасида М. Ҳайитова, М. Файзиева каби моҳир ёш тўқувчилар бор.

Йигит-қизлар янги техника ва технологияни жорий этишда ҳам актив иштирок этмоқдалар. Ўтган йили улардан тушган рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли 215,3 минг сўмлик иқтисодий фойда олинди. Меҳнат унумдорлиги пландан ташқари 3,4 процент ошди, маҳсулот таннархи эса қўшимча 3,1 процент арзонлашди. Ҳозир бутун корхона бўйлаб беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигигача бажариш учун қизғин мусобақа кетмоқда.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМСОМОЛИНИНГ XXIII ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА

Комсомолнинг мамлакат тараққиётига қўшаётган ҳиссаси кучайиб, кўпайиб бораверишига аминман. Биз яқин беш йилликда ва келгуси асрнинг бошларигача мўлжалланган планларни тузаётганимизда айни ҳозирги ёшларнинг маҳоратли қўлларига, ижодкор фикрига, виждонли меҳнатига кўп жиҳатдан умид қиляпмиз.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

Саноат, қурилиш, транспорт ташкилотларида, колхоз ва совхозларда ғайрат билан меҳнат қилаётган, жамоат ишларида актив қатнашаётган йигит-қизлар область комсомол конференциясига делегат этиб сайланганлар.

Суратда: конференция делегатларидан Чирчиқ шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Акромов (чапдан), Бекобод районидаги «Далварзин» совхози илғор чорвадори Б. Жабборов, Пискент районидаги «Партия XXVI съезди» совхози ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати З. Турқораева, Бекобод шаҳар комсомол комитетининг иккинчи секретари А. Исматов, Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз механизатори Р. Абдуллаев ва Бекобод шаҳар комсомол комитети секретари К. Қосимов ўртоқларни кўриб турибсиз.

А. Мальцев фотоси.

КОММУНИСТЛАР БИЛАН БИР САФДА

Беш йилликнинг якунловчи йили ўлкамиз бўйлаб шаҳдам одим отиб боряпти. Одамларнинг руҳи тетик, кайфияти чоғ. Ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракатнинг 50 йиллиги шарафига ўз зиммасига янги-янги мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқда. Партиямизнинг XXVII съезди, ВЛКСМнинг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақа кенг қулоч ёймоқда.

Комсомол-ёшлар мусобақанинг олдинги сафларида, коммунистлар билан елкама-елка келмоқдалар. Шаҳримиз ёшлари ўтган йилларда бажарилган ишларга якун ясаб эндиликда янги марралар сари дадил интилмоқдалар. Корхоналарда «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижодиёти — ўн биринчи беш йилликка!» деган ватанпарварлик шнори остида бошланган мусобақада 43 та комсомол-ёшлар коллективи иштирок этмоқда.

Шаҳар комсомолининг XXV конференцияси арафасида 2300 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғори беш йилликнинг тўртинчи йили плани барвақт бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Уларнинг 78 нафари ҳозир 1986 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Пешқадамлар орасида Ангрен керамика комбинати қуювчиси Гулнора Пирматова, «Узбекшахтострой» трести бўёқчиси Любовь Правдина, юк ортиш-транспорт бошқармаси электровоз машинистининг ёрдамчиси Шокир Абдуназаров каби актив комсомоллар бор.

Социалистик мусобақа омманинг ижодий активлигини оширишда қудратли омил бўлиб хизмат қиляпти. Комсомол-ёшлар мамлакатимиз, партия ва комсомол ҳаётидаги унутилмас воқеаларга бағишлаб уюштирилаётган социалистик мусобақаларда фаол иштирок этмоқдалар. Ўтган йилнинг бошида конференциямиз делегати Машрабжон Азиматов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси аъзолари республика юбилейини йиллик планни бажариш билан кутиб олиш ташаббусини бошлаган эди. Тез ўтмай бу ташаббус барча корхоналарга ёйилди.

Янги йил арафасида М. Азиматов бошлиқ коллектив бошлаб берган ташаббус қандай самаралар берганлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик. 19 комсомол-ёшлар коллективи, 836 ёш меҳнаткаш йиллик мажбуриятини муддатидан олдин адо этибди. Ташаббускор коллективнинг ўзи ҳозир 1986 йил октябрь ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. 95-кўчма механизациялашган колоннанинг Н. И. Иваненко, юк ортиш транспорт бошқармасининг Ю. Зарипов, «Резинотехника» заводининг Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати А. Эркабоев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари ҳам ўн иккинчи беш йиллик ҳисобини очгандирлар.

Биз бугун эришилган ютуқларни муносиб баҳолаган ҳолда асосий эътиборни бажарилмай қолган вазифаларга, ҳал этилмаган муаммоларга қаратмоғимиз керак. Айрим коллективларда пассивлик қилаётган ёшлар оз эмас. Бундай ишчиларда ташаббускорлик ва активлик туйғусини камол топтириш биз каби комсомол ходимларининг биринчи галдаги вазифасидир. Сир эмас, кўпинча биз илғорларни мукофотлаш ва шарафлаш билан машғул бўлиб қоляпмиз. Қолоқ коллективларни эса унутиб боряпмиз. Айрим комсомол ташкилотлари қолоқлик сабабларини чуқур ўрганмайдилар. Вазифамиз ҳар бир ёш ишчини илғорлар даражасига етказиб олишдан, комсомол ташкилотлари иш услуби ва методини такомиллаштиришдан иборатдир. Бу соҳада область комсомол конференциясида муҳим йўлланмалар берилишига ишонамиз.

А. ИУЛДОШЕВ,
Ангрен шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари.

КОНФЕРЕНЦИЯДАН—КОНФЕРЕНЦИЯГАЧА

● Тошкент область комсомол ташкилотлари сафида 675 минг йигит-қиз бор. Улар 5115 та бошланғич комсомол ташкилотига бирлашгандирлар.

● Комсомол-ёшла р и м н з 135 та зарбдор қурилиш объектларини ўз оталиқларига олишган. «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижодиёти — ўн биринчи беш йиллика» шнори остида бошланган ватанпарварлик ҳаракатида 600 мингдан ортиқ йигит-қиз иштирок этмоқда. 180 мингдан ортиқ ёш меҳнаткаш беш йиллиннинг якунловчи йилини барвақт тугаллаш учун курашмоқда.

● Ҳисобот даврида студент қурилиш отрядлари 10 миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағни ўзлаштирдилар.

Умида АБДУАЗИМОВА,
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

КОМСОМОЛ—НАВҚИРОН ЁШЛИГИМ

Комсомол—ёшлигим, орзули, азим замонсан,
Қувончлар ҳам, ташвишлар ҳам бағрингда бешак.
Инқилоб фарзанди, навқирон, янги жаҳонсан,
Инқилоб тебратган музаффар сен улкан бешик.
Сен тинглаган аллаларнинг сурури баланд,
Эзгуликка етакловчи залворли қуйдир.
Сафингдаги ўғил-қизлар ғурури баланд,
Очиб жамол чўнг барқамол, алп келбат бўйдир!
Жасоратли ва қудратли, матонат унда,
Эстафета байроғини тутган эй ёшлик!
Олға юриб, ёвни енгиб кўп оғир унда,
Тўсиқларни яксон айлаб ўтган эй, ёшлик!
Орзу унди, кўнгил яшнаб, шоду-хуррамлик
Фидойилик замонаси ростдан шумикан?
Наҳот менинг ҳар бир ўтар куним байрамдир,
Кўзларимни сархуш парда тўсган йўқмикан?
Йўқ-йўқ, асло, беғаминликлар мен учун ётдир,
Гоҳ дўл, гоҳ қор ёғар олов устига, кўргил:
Олов гурлар Олег бўлиб, у— барҳаётдир,
Мангу олов чақноқ кўзим тўсди-ки, кўргил:
Бирдан мени ҳаёллатди бир ташвиш... менга
Қаҳрамонлик қолмадими Матросовчалик?
Доим тайёр жасур бу қалб эл учун жангга,
Салом бермоқ ихтиёрий, шарт олмоқ алик!
Жангим—кураш майдоним шу—Она Ер бўлсин,
Терлар тўкиб, дурлар терай, қурай иморат.
Фаровонлик барқарору, омадлар кулсин,
Чунки эзгу ниятим ҳам шундан иборат!
Мангу олов, сергакликкка ундар бир умр,
Ҳар бир ўтган дақиқамни ғанимат билай,
У — кўксимда ёниб турган юрагимдир-нур,
Юрт ишига бутун умр сафарбар этай!
Замон инсон юрагига ўхшайди ахир,
Гоҳо алғов-далғов, гоҳо осойишта у.
Баъзан олов бўлиб ёнса, баъзан у қалқир,
Сайқал топиб, тобланишда, ороишда у.
Доҳий Ленин васиятин қабул айлаган,
Шараф сенга, олқиш сенга, комсомол ёшлик.
Яратиш ҳам яшнатиш-ла аҳдга айланган.
Сафингдаман, бағрим тўлиқ, комсомол ёшлик!



✦ Конференциядан конференциягача бўлган давр мобайнида Тошкентда янги мотор заводи бунёд этилди. Ёшлар корхона қурилишида актив иштирок этдилар.

Ушбу суратда сиз двигателларни йиғиш цехи ишчиси Владимир Павловни кўриб турибсиз. Комсомол аъзоси В. Павлов «Д-240» маркали моторларни синчиклаб синовдан ўтказяпти.

М. Нуриддинов фотоси.

БИР САВОЛГА УЧ ЖАВОБ

ЯШАШДАН МАҚСАДИМИЗ

ҲИСОБОТ даврида ўз ҳаётингизда ва коллективингизда қандай муҳим ўзгаришлар рўй берди? Область комсомол конференцияси арафасида мухбиримиз Адолат Носирова делегатлар даврасида бўлганида уларга шу савол билан мурожаат этди. Делегатларнинг жаваблари мазмунли ва жозибали эди...

Серикбой САРИМСОҚОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоз гидротехниги

— Область комсомол конференциясида биринчи марта иштирок этишим. Ўтган давр ичида дўстларим билан РСФСРнинг ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда иштирок этдим. Бу биз учун ўзига хос синов даври бўлди. Ўзлаштирган ерларимизда ҳозир мўл ҳосил етиштирилмоқда, турар-жойлар, мактаблар қурилмоқда.

Яқинда «СССР Ноқоратупроғини ўзлаштиргани учун» медали билан тақдирландим. Энг муҳими Коммунистик партия сафига қабул қилиндим. Ҳозир колхозимиз ерларини мелиорациялаш, суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш билан шуғулланаяпман.

●

Ирина ИЛЬИЧЕВА,
Тошкент политехника институтининг студенти, Ленин стипендиати

— Инсон ҳаётида ҳаяжон билан эслайдиган онлар жуда кўп бўлади. Олий ўқув юртига қабул қилинганимдан сўнг студентлик йилларимнинг ҳар бир куни қувонч ва ташвишларга тўла бўлди. Лекин уларнинг бари келажакка ишонч руҳи билан суғорилди.

Ўтган конференциядан сўнг студент қурилиш отряд-лари сафида янги турар-жойлар, болалар боғчалари, дам олиш майдончалари бунёд этишда иштирок этдим. Бултур «Дўстлик-84» Бутуниттифоқ студент қурилиш отрядининг Наманган область Поп районида зилзила оқибатларини тугатиш штабининг комиссари қилиб тайинлашди.

Яқинда ҳаётимда қувончли воқеа рўй берди. Ҳамшаҳарларим менга катта ишонч билдириб, «Октябрь» сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодимни кўрсатишди. Инсон фақат бизнинг замонамиздагина мана шундай обрў-эътибор қозониши, камол топиши мумкин.

Бўка районидаги «Бўка» совхози бригада бошлиғи

— Ҳисобот даври ичида менинг ҳаётимда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. ВЛКСМ XIX съездига делегат бўлиб сайландим. Катта анжуманда барча республикалардан келган ҳамкасбларимнинг тажрибаси билан танишдим.

Ўтган йил менга катта ишонч билдириб пахтачилик бригадасига раҳбар этиб тайинлашди. 48 меҳнатсевар ёш пахтакор бригадага бирлашди. Бизга ажратилган ер ажриқзордан иборат эди. Қийинчиликлардан қўрқмадик, орқага чекинмадик. Қийналган дамларимизда устозларим, айниқса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мария Ковалева катта ёрдам берди.

Юбилей йилида ажриқзор ерлардан пландаги 24 центнер ўрнига 35,2 центнердан ҳосил олдик. Бу йил 40 центнерлик маррани кўзламоқдамиз.

●

СЎЗ—КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА

ҲАР БИРИДАН 5103 КИЛОГРАММДАН

РАЙОН комсомол конференциясида менга сўз бериладиган бўлди. Гапирмай юрган одамга бирданга катта йиғинда сўзга чиқасан дейишса киши жуда ҳам ҳаяжонланар экан.

— Ҳеч ҳаяжонланманг,— деди колхозимиз комсомол ташкилотининг секретари. — Ўзингиз, бригада аъзоларингиз ҳақида, ҳисобот даврида бажарган ишларингиз тўғрисида бир бошдан гапириб берасиз.

Дарҳақиқат, ҳисобот даврида бажарилган ишлар оз эмас эди. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, жамоат чорвачилигини жадал ривожлантиришга, моллар маҳсулдорлигини оширишга ҳаракат қилдик.

Етти комсомол қиздан иборат сут соғувчилар бригадаси 1978 йилда тузилган эди. Мени бригадага бошлиқ қилиб қўйишди. Бригадирман деб қараб турмадим. Ишга барвакт келиб, кечрок кетадиган бўлдим. Қизлар ҳам шунга ўрганишди. Вақтдан унумли фойдаланиш натижасида ишимизга барака кирди. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида зиммадаги топшириқни бекаму-кўст адо этдик.

Ўтган йили ўзим 22 бош сигирни парвариш қилдим. Уларнинг ҳар биридан 4100 килограммдан сут соғиб олиш план қилиб қўйилган эди. Мен бор имкониятларни ишга солиб, юбилей йилида ҳар бош соғин сигирдан 5103 килограммдан сут соғиб олдим.

Бошқа дугоналаримнинг ҳам иш кўрсаткичлари ёмон бўлмади. Жамила Азизовага 20 бош сигир бириктирилган. У анча ёш бўлишига қарамай ўз ишининг миридан-сиригача пухта билиб олган. План бўйича ҳар бир сигирдан 3650 килограммдан сут соғиб олиши керак эди. Парваришга зўр бериб, салкам 4 минг килограммдан сут топширди. Воҳида Аббосова ҳам у билан изма-из келяпти.

Колхозимиз чорвадорлари ўтган йили сут соғиб олиш планини районда биринчилар қатори адо этдилар. Менинг ўзим 90,2 тонна ўрнига 112,2 тонна сут соғиб олдим. Ҳозир чорва қишлови қизғин давом этяапти. Ҳар биримиз ўзаро мусобақалашиб ишлаяпмиз. Қиш даврида ҳам моллар маҳсулдорлиги ёздагидан қолишмаяпти. Шу суръатни қишлов охиригача ушлаб турамиз.

Ҳадия ИДРИСОВА,
Пискент районидаги Калинин номли колхоз сут соғувчилар бригадаси бошлиғи.

МЕҲНАТИМИЗ БЕШ ЙИЛЛИККА

ЕШ ТРАКТОРСОЗЛАР область комсомол конференциясига ёруғ юз билан келдилар. Улар беш йиллиннинг ўтган даври мобайнида 700 тадан кўпроқ трактор, 200 та прицеп ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдилар. Қўшимча 7,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

100 от кучига эга бўлган, техник даражаси оширилган тракторлар ишлаб чиқариш юзасидан бошланган тайёргарлик ишлари янги йил арафасида ниҳоясига етказилди. Модернизация қилинган пахта ташиш прицепларининг дастлабки намуналари эса синов учун топширилди. Ҳажми кенгайтирилган прицеп кузовлари ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштириб олинди. Бу янгиликларни жорий этишда ёш рационализатор ва ихтирочилар катта ҳисса қўшдилар. Улар киритган таклифлар 1,1 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара берди.

Корхонамизда 5 мингга яқин комсомол-ёшлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг 2,5 минги коммунистик меҳнат зарбдоридир. 1 минг киши шу номни олиш учун курашмоқда. 5 та комсомол-ёшлар бригадасига «коммунистик меҳнат коллективи деган ном берилган. В. Крилов, С. Егоров, А. Жумақулов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган комсомол-ёшлар бригадалари меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган беш йиллик топшириқни тўрт йилда муваффақиятли адо этдилар. Улар ҳозир фақат бирлашмадагина эмас, бутун қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғида пешқадамлик қилмоқдалар.

ТРАКТОРЛАР КАРВОНИ

Ёшларимиз ўртасида йиллик топшириқларни муддатидан олдин бажариш юзасидан қизғин мусобақа кетаяпти. Ўтган йили 150 йигит-қиз республика юбилейи арафасида йиллик планни бажарган эди. Айни пайтда ёшларимиз корхонани реконструкция қилиш ва ободонлаштириш ишларида ҳам актив иштирок этмоқдалар. 18 марта комсомол-ёшлар шанбалиги ўтказилди. 23 июнда ўтказилган Бутуниттифоқ комсомоллар шанбалигида ишлаб топилган 5 минг сўмлик маблағ эса жаҳон ёшлари ва студентлари фестивали фондига ўтказилди.

Партия олдимизга қандай вазифа қўймасин, уларни бажаришда ёшларимиз ҳамиша актив қатнашмоқдалар. Ҳозирги кунда тежалган хомашё ва материаллар ҳисобига йил давомида икки кун ишлаб бериш шнори баланд кўтарилмоқда. Ўтган йили ёшларимиз 900 тоннага яқин металл, 250 минг киловатт-соат электр энергияси, 2 минг тонна шартли ёқилғини тежаб қолдилар. Январнинг дастлабки 18 куни ичида эса 80 тоннадан кўпроқ металлни, 222 минг киловатт-соат электр энергияси ва 180 тонна шартли ёқилғини иқтисод қилдик. Бунда айниқса, комсомол прожектори аъзоларининг ҳиссаси катта бўлди.

Бажарилган ишлар қанчалик кўп бўлмасин, ҳали олдимизда катта вазифалар турипти. Бу вазифалар КПСС Марказий Комитетининг комсомолга партия раҳбарлигини янада такомиллаштириш тўғрисида қабул қилган қарорида яна ҳам аниқ равшан кўрсатилди. Ҳали ҳам корхонамизда белгиланган топшириқни бажармаётган, жамоат ишларида суст қатнашаётган йигит-қизлар оз эмас. Ишдан ташқари соатларда ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳам кутилган самара бермаяпти. Ёшларнинг бўш вақти кўп ҳолларда зерикарли ўтмоқда. Шу боисдан ҳам улар ўртасида ичкиликка ружу қўйиш ҳоллари сезилмоқда. Биз ҳозир бутун эътиборни ҳисобот даврида бажарилмай қолган вазифаларга қаратмоқдамиз.

Биз қутлуғ саналар олдида турибмиз. Ҳадемай буюк Ғалабанинг 40 йиллигини нишонлаймиз. Бўлиб ўтаётган ёшлар йиғилишларида уруш ветеранларига актив оталиқ ёрдами кўрсатиш, ҳалол бўлган қаҳрамонларни бригадаларга фахрий аъзо қилиб олиш ташаббуслари туғилаяпти. Ёшларимиз 9 Майгача планга қўшимча 20 та трактор ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Э. СОЛИЕВ,
СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси» комсомол комитетининг секретари.

ОЁҚЛАРИ ЕТМАГАН ЖОЙ ЙЎҚ

СТУДЕНТ—БУНЁДКОР

СТУДЕНТ зарбдор қурилиш отрядлари ҳаракати бошлангандан бери В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети студентлари унда актив иштирок этиб келишмоқда. Ҳар йили ёшлар мамлакатимиз ва республикамизнинг зарбдор қурилишларида фидокорлик кўрсатиб катта хажмдаги ишларни бажармоқдалар. Мухбиримиз Аброр ҒУЛОМОВ университет студент-қурилиш отрядлари штаби бошлиғи Назиржон МАМАДАЛИЕВ билан учрашиб, меҳнат семестри якунлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди:

— 1984 йил зарбдор қурилишларда 1780 нафар студент иштирок этди. Шулардан 200 нафари Тюмень областида, 200 нафари Коми АССРнинг Ухта шаҳрида, 130 нафари Бухоро областининг Газли шаҳрида кенг ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини олиб борди. Улар пландаги 2,2 миллион сўмлик ўрнига 2,7 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштирдилар.

Умуман ҳисобот даврида бўлиб ўтган меҳнат семестрида талабалардан 6510 нафари қатнашди. Улар 12 миллион сўмликдан кўпроқ маблағни ўзлаштирдилар.

Ўтган йил республика қурилиш майдонларида меҳнат қилган комсомол-ёшларнинг иши айниқса баракали бўлди. Биринчи марта Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги номли коммунистик меҳнат отряди тузилди. 30 кишилик бу отряд зилзиладан зарар кўрган Газли шаҳрини қайта тиклашда қатнашди ва топшириқни 230 процентдан ошириб адо этди. Студентлар ишлаб топган маблағнинг 5,5 минг сўми Тинчлик фондига ўтказилди.

Физика, тарих факультетлари студентларидан иборат иккита илмий-ишлаб чиқариш отряди эса Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Физика-техника ҳамда Археология институтлари олимлари билан елкама-елка туриб меҳнат қилдилар. Сирдарё область Оқ олтин районидаги Усмон Юсупов номли совхоз дала шийпонлари қурилишида ҳам битта отряд жангчилари иштирок этдилар.

Шартнома бўйича ҳар йили Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, Югославия билан интеротрядлар алмашиниб туради. Бу яхши самаралар беряпти. Ёшларимиз ўтган йили чет элларда бўлганларида янги дўстлар орттирдилар. Улар билан узвий алоқа боғладилар.

Меҳнат семестри давомида факультетлараро ҳамда отрядлараро социалистик мусобақалар уюштирилди. Факультетлар ичида физика ва романо-герман филологияси факультетлари совринли ўринларни эгаллашди. Отрядлараро мусобақада романо-герман филологияси факультетининг «Истиқбол». рус филологияси факультетининг «Оксюморон», тарих факультетининг «Звезда Востока», физика факультетининг «Орбита» отрядлари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Биринчи ўринни эгаллаган факультетга университетнинг кўчма Қизил байроғи, фахрий ёрлиқлар ва пул мукофотлари топширилди. Алоҳида ўрнак кўрсатган отрядларга вимпел, фахрий ёрлиқ ҳамда чет элларга саёҳат қилиш учун йўлланмалар берилди.

Меҳнат семестри давомида бир қатор маданий ва оммавий-сиёсий тадбирлар ҳам ўтказилди. Отрядлар уруш ва меҳнат ветеранларини оталиққа олиб уларга кўмаклашдилар. 634 та турли темаларда қизиқарли лекция ва суҳбатлар ўтказилди. 321 маротаба концертлар уюштирилди, 37 та мактаб ремонт қилиниб, ўқувчиларга 3263 китоб тақдим этилди.

Ҳозир биз студент қурилиш ва қишлоқ хўжалиги отрядлари слётига қизғин тайёргарлик кўрмоқдамиз.

КОНФЕРЕНЦИЯДАН-КОНФЕРЕНЦИЯГАЧА

● Ҳисобот даврида ёш новаторлардан 7 мингдан ортиқ рационализаторлик таклифи тушди. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш туфайли 11 миллион сўмликдан ортиқ иқтисодий самара кўрилди.

● Юбилей йилида 135 та комсомол-ёшлар пахтачилик бригадаси аъзолари гектар бошига 40—45 центнердан ҳосил олиб, зиммадаги социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Пахта йиғим-теримни даврида район ва шаҳар марказлари ёшларидан тузилган 394 та зарбдор отряд актив иштирок этди.

● Деҳқончилик ва чорвачиликда 11 мингдан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилаяпти. Саноат корхоналарининг ёшлари уларга оталиқ ёрдами кўрсатишмоқда. Шаҳарлик ёшлар ўтган йили 343 та отрядга бирлашиб, чорвачиликнинг мустаҳкам озуқа базасини яратишга ҳисса қўшдилар.

● Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида билим олаётган ёшларнинг 142 нафари Ленин стипендиатидир. 8925 нафар йигит-қиз ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Аъло ўқуви учун» кўкрак нишони билан тақдирланган.

● Область спортчилари халқаро мусобақаларда 50 та мукофотни қўлга киритдилар. 404 спортчи Бутуниттифоқ мусобақаларининг ғолиби ва совриндори бўлди.

ДЎСТЛИК ЕЗИШМАЛАРИ

БИЗ—ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

СТУДЕНТЛАРИМИЗ ишлаб чиқариш практикаси даврида мактабларидаги интернационал дўстлик клублари ишини жонлантиришга актив ёрдам бермоқдалар.

Ҳозир Чилонзор районидаги барча мактабларда ва ўқув юртларида шундай клублар ишлаб турипти. Айниқса, 163-мактаб интернационал дўстлик клуби олиб бораётган тарбиявий ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда тез-тез чет эллик студентлар, илғор ишчилар меҳмон бўлиб туришади. Учрашувларда «Ёшлик» ва «Лада» ансамблларининг ҳаваскорлари хизматда бўлишади. Ҳар бир тадбирга атаб махсус стендлар чиқарилади.

Стендларнинг бири «Ўзбекистон — ГДР» деб номланган. Унда ҳар иккала республика ўртасидаги дўстлик алоқалари фотосуратларда акс эттирилган. Келаётган хатлар эса «Бизга ёзадилар» деган стендга жамланган. Хатларни таржима қилишда студентларимиз ўз ҳиссаларини қўшаяптилар.

26-мактабда тўққиз миллат фарзандлари таълим олади. Синфдан ташқари машғулотларда студентлар комсомол-ёшларга чет тилларда чиқаётган газета, журнал ва адабиётларни ўқиб бераяптилар. Янги чиқаётган асарлар, қўйилаётган кинофильмлар юзасидан мунозаралар уюштирмоқдалар.

57-мактабда эса шон-шуҳрат музейи ташкил этилган. «Зарница», «Орлёнок» каби ҳарбийлаштирилган ўйинлар мунтазам ўтиб турипти. Мактаб ўқувчилари мусобақаларда ҳамиша ғолиб чиқмоқдалар. Ўқувчилар Молдавия, Болгариядаги тенгқурлари билан алоқа боғлашган. 4-мактаб комсомоллари эса Хабаровск области мактаблари билан ёзишмалар олиб боришяпти. Мактабларда ҳар йили 23 февраль қаҳрамонларни эслаш куни сифатида нишонланади. Тадбирларда институтимиз студентлари ҳам актив иштирок этмоқдалар.

М. БАДАЛОВА,
Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти ўқитувчиси.

Чорва қишлови «Тошкент ҳақиқати» назоратида

АВТОМАГАЗИНЛАР ХИЗМАТИ ДОИМИЙ БЎЛСИН

ҚАРИИБ бир ой аямайзаҳрини сочган қиш қаҳратони кейинги кунларда бироз шаштидан қайтгандек бўлди. Аммо қишнинг ярми ҳали олдинда. Ферма ва комплексларнинг ходимларини янги синовлар кутяпти. Айниқса, тоғ бағридаги ва олис яйловлардаги отарларда қиш ҳали узоқ давом этади. Демак, озуқа мўл бўлиши, чорвадорлар ишнинг кўзини билиб ҳаракат қилишлари керак.

Қишловнинг беталафот ўтиши, молларнинг қишдан соғлом чиқиши фақат озуқа запасигагина боғлиқ эмаслиги тажрибалардан маълум. Ферма ва отарлардаги шарт-шароит, чорвадорларга кўрсатилаётган маданий-маиший, медицина ва савдо хизматининг савияси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мухбиримиз шу хусусда область матлубот жамиятлари союзи правлениеси раисининг ўринбосари М. Микоэлянга саволлар билан мурожаат қилди.

— Чорва — жамоат бойлиги. Уни асраш, кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш ҳам кенг жамоатчиликнинг иши. Область матлубот жамиятлари союзи бу соҳадаги вазифасини қандай уддаляпти?

— Хизматимиз чорвадорлар учун мадад эканлигини тушунамиз. Айниқса, бу йилги мураккаб қиш шароитида уларга бизнинг кўмагимиз зарур. Чунки асосий вақтларини фермаларда, комплекс ва отарларда ўтказишларига тўғри келяпти. Шундай пайтда кундалик рўзғорларига керак бўладиган маҳсулотларни бевосита иш жойларига етказиб берсак, вақтлари тежалади, ишлари унади.

Шуни ҳисобга олиб, аввало магазинларни ва уларда сотиладиган зарур молларни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳозир чорвачилик зоналарида 71 та саноат моллари билан, 99 та озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазин ишлаб турипти. «Кундалик эҳтиёждаги моллар» магазинлари 96 тага етди. Бундан ташқари 40 та кўчма автомагазин олис яйловлардаги чўпон-чўлиқларга хизмат қилаяпти.

Область матлубот жамиятлари союзи ҳам, қуйи кооператив ташкилотлар ҳам ҳар йили аниқ табирларни белгилаб олиб, шу асосда иш юритади. Озиқ-овқат, саноат ва хўжалик моллари олис яйловларга, Келес массивидаги савдо корхоналарига, Боғистон ишчилар кооп-торгига шу график бўйича барвақт келтириб қўйилади. Сабаби — қишда у ерларни қалин қор босиб, йўллар бекилиб қолади. Ўтган йили фақат Бўстонлиқ ва Калинин районларининг чорвачилик зоналарига 2430 тонна ун, 350 тонна шакар — қанд, 190 тонна ёғ, 20 тонна чой, 110 тонна қанд-қурс, 90 тонна макарон маҳсулотлари, 700 шартли ящик гугурт, умуман жами 3 миллион 166 минг 800 сўмлик кундалик эҳтиёждаги моллар етказиб берилди.

Маълумки, тоғ бағридаги ва олис яйловлардаги отарларда яшайдиган чўпон-чўлиқларнинг оилаларига асосан автомагазинлар хизмат кўрсатади. Шунинг учун отарларга йўл оладиган автомагазинларда нон, шакар-қанд, чой, туз, макарон, дондун, қанд-қурс, балиқ консервалари, тамаки маҳсулотлари, гугурт, сочиқ, ички кийим, кўйлак, дастрўмол, кирза этик, ковуш, лезвия, нина-ип, дафтар-қалам ва бошқа рўзғор буюмлари, албатта, бўлади. Ҳинд чойи, духоба, чинни идишлар, чит ва сатин каби ноёб молларни чорвадорларнинг буюртмалари билан етказиб берамиз. Кейинги пайтларда бундай молларга буюртмалар анча камайди. Чунки буюртмани кутиб ўтирмай, камёб моллардан жамланган совғалар тайёрлаб, вақти-вақти билан чорвадорларга етказиб берияпмиз.

Район ижроия комитетлари ва чорвадор хўжаликларнинг раҳбарлари билан ўзаро келишиб, магазинларнинг, ошхона ва буфетларнинг иш вақти чорвадорларга, уларнинг оила аъзоларига қулай пайтларга кўчирилди. Шунингдек, автомагазинларнинг ферма ва комплексларга, олис яйловларга борадиган графиклари ҳам аввалдан белгиланиб, чорвадорларга маълум қилиб қўйилади.

Келес массивидаги Охунбобоев ва Жамбул номли совхозларнинг ферма ва отарларига қатнайдиган автомагазин ҳайдовчи-сотувчиси И. Қўнғирбоев, Пискент районидаги «Гулистон», Ленин номли, Тельман номли колхозларнинг фермаларига хизмат кўрсатадиган ҳайдовчи-сотувчи Т. Норбўтаев энг олис яйловларга ҳам графикда белгиланган вақтда етиб боришни одат қилишган. Автомагазинларда рўйхатда белгиланган маҳсулотларнинг ҳаммасидан топилади.

— Иш юзасидан ферма ва комплексларда, отарларда тез-тез бўлиб турамиз. Чорвадорлар билан суҳбат пайтида кўпинча савдо хизмати юзасидан ҳақли эътирозларини тинглашга тўғри келади. Лекин Магбет Захарович, сизнинг суҳбатингиз мазмунига қараб камчилик ва нуқсонлар тугатилиб, эътирозларга ўрин қолмабди, деган хулосага келиш мумкин...

— Йўқ, биз ютуқларимизни бўрттириб кўрсатиб, камчиликларимизни хаспўшламоқчи эмасмиз. Ишимизда чорвадорларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган нуқсонларимиз бор. Чорвачилик зоналаридаги айрим савдо шохобчаларида ва автомагазинларда кундалик рўзғор учун зарур моллар ҳар доим ҳам бўлавермайди. Айниқса, баъзи автомагазинлардан асосий иш қолиб кетиб, бошқа мақсадларда фойдаланилаётгани бизнинг энг катта нуқсонларимиздандир. Оҳангарон район матлубот жамиятининг чорвадорлар ҳузурига йўл олаётган автомагазинларида қалпоқ, лезвия, кирза этик, чопон, ипли майка ва пайпоқ каби зарур моллар кўпинча йўқ бўлади. Баъзи ҳайдовчи — сотувчилар аввалдан белгилаб қўйилган графикка амал қилмайдилар.

Бу — қуйи кооператив ташкилотлар иши устидан назоратни сусайтириб юборганлигимиз оқибатидир. Текширув натижаларидан тўғри хулоса чиқариб, ишимизни жонлантиришимиз керак. Қишловнинг қолган даврида асосий эътиборни савдо ва умумий овқатланиш тармоқларини кенгайтиришга, автомагазинларни кўпайтиришга, маҳсулотларни хилма-хил қилишга қаратамиз.

Суҳбатни махсус мухбиримиз А. ЙЎЛДОШЕВ олиб борди.

ЎТГАН ЙИЛГИДАН КЎП

ҒАЗАЛКЕНТ. (Ўз мухбиримиздан). «Ленинград» колхози чорвадорлари қишловни намунали ўтказиш учун курашиб анча дуруст натижаларга эришмоқдалар. Ҳозиргача далатга 29 тонна сут топширилди. Бу ўтган йилдагига қараганда тўққиз тонна кўпдир. Мавжуд соғин сигирлардан ҳар куни ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 400—500 литрдан кўп сут соғиб олинмоқда. У. Султонова, Б. Оларова, Т. Абдураҳмонова сингари сут соғувчилар, айниқса, яхши натижаларга эришмоқдалар. Улар ҳар бош соғин сигирдан кам деганда 3500 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилганлар.

Райондаги «Чорвоқ» совхози чорвадорлари эришаётган ютуқлар ҳам қувончлидир. Бу хўжаликда биринчи кварталда 180 центнер гўшт топшириш мўлжалланган эди. Амалда ҳозирги кунга қадар 189 центнер гўшт эл дастурхонига тортиқ қилинди. Бу ўтган йилдагидан 92 центнер кўпдир.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 21. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.25 «Ивановога марҳамат қилинг». Телефильм.
10.05 «Джон Ґрафтон»ни кутинг». Телевизион бадиий фильм. I- ва 2-сериялар.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Яқин қариндош». Телефильм.
15.50 «Ленининг барҳаёт сўзи».
16.25 «Ленин ватанида». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.35 «Объектив».
17.10 «Лениндан ўрганамиз». Мактаб ўқувчиларининг «В. И. Лениннинг Кремлдаги кабинети ва уйи» музейига экскурсияси.
17.30 Россияда 1905-1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «9 январда...» «Тонгни қаршилаб» туркумидан.
18.15 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 5 км. Хотин-қизлар. Австриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Ишлар ва одамлар».
20.00 «Такрор ва такрор ўқиб...» М. Горький номли Ленинград академик Катта драма театрининг фильм-спектакли.
21.30 «Время».
22.05 Д. Шостакович асарларидан концерт.
23.10 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Трамплиндан сакраш.
23.40 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Сафдаги ўрнинг». Илмий-оммабоп фильм.
9.55 Илмий-оммабоп фильм.
10.15—10.45 «Рус тили».
12.05—12.40 «Фан ва турмуш».
14.30 «Сенинг ленинча кутубхонанг». В. И. Ленин. «Буюк почин».
15.10—15.55 Вс. Иванов. «Бронепоезд 14-69».
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг солистлар ансамбли чалади.
19.15 «Кўҳна Валдай сири». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Муқаддима». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Ўқув программаси.
10.50 «Витим мусковити», «Обь дарёсининг асосий ирмоғи». Телефильмлар.
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Зангори календарь». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Шоирлар — болаларга».
18.40 «Кечки поездга бир билет». Ҳужжатли фильм.
19.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бурчга садоқат...»
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 В. Маяковский. «Владимир Ильич Ленин» поэмаси. Видеофильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ленин, партия, Ватан ҳақида қуйлаймиз». ЎзССР Давлат телерадиоси халқ чолғулари оркестри, хори ва солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Ленин Октябрда». Бадиий фильм (рус.).

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Ленино — Кокушкино». Телефильм.
18.40 «Зарбдор мехнатимиз— беш йилликка». Тошкент агрегат заводидан репортаж.
19.05 «Ленин. Сўнгги саҳифалар». Илмий-оммабоп фильм.
19.45 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.00 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 22. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Муқаддима». Бадиий фильм.
11.10 Халқаро конкурслар лауреати Л. Амбарцумян чалади (скрипка).
11.35 «Такрор ва такрор ўқиб». Фильм-спектакль.
13.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Бу ерда, Красная Пресняда...» Телефильм.
15.45 И. С. Бах. Фа мажор концерти.
16.05 «Моҳир қўллар».
16.35 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.10 Мультфильм.
17.15 «Эрнст Буш куйлайди». Телефильм (ГДР).
18.15 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 15 км. Эркаклар. Австриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.05 «Арфа янграйди». Фильм-концерт.
20.15 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Броненосец «Потёмкин». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Бу йўлларни биз мангу унутмаймиз». Поэзия. С. Гудзенко.
22.30 «Балет ҳақида».
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Хлорелла дўстларини излайди». Телефильм (Тошкент).
12.05—12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.10 Совет тасвирий санъатида В. И. Ленин образи.
15.40 А. Гайдарнинг ҳаёти ва китоблари.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
18.55 Ф. Шуберт. 5-симфония. Филармония жамияти оркестри чалади. Дирижёр — Я. Ференчик. Венгриядан олиб кўрсатилади.
19.25 Мультфильм.
19.35 «Катта ғалла йўли». Ҳужжатли фильм.
19.50 В. А. Гранаткин хотираси учун футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. Бельгия — Франция терма командалари. 2-тайм. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
21.30 «Время».
22.05 Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.20 «Камчатканинг муқаддас жойлари». Телефильм.
23.50 В. А. Гранаткин хотираси учун футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. СССР-I—ҒФР терма командалари. 2-тайм. Ленинграддан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Кўғирчоқ фильм.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Зарница-85» (рус.).
19.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Т. Мақсудов. «Мунозжот».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ишонч». Телефильм.
20.00 «Леонардо да Винчи иқболи».
20.30 «Ахборот».
20.50 Матлуба Дадабоева ва Маҳбуба Ҳасанова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Анна Павлова». Бадиий фильм. I-серия (рус.).
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқув программаси.
18.50 «Чиқиндилар ва даромадлар». Телефильм.
19.10 Ўқув программаси (рус.).
19.50 «Жасоратга тўла ҳаёт». Ҳужжатли фильм («Узкинохроника»).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 23. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Телевизион бадиий фильм.
10.50 «Саёҳатчилар клуби».
11.50 «Броненосец «Потёмкин». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Телефильмлар.
16.10 «Подмосковье» рус кўшиқ ва рақс ансамблининг чиқиши.
16.30 «Стадион ҳамма учун».
17.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.45 «Сиз яратган боғ».
18.15 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 4х5 км га эстафета. Хотин-қизлар. Австриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сайловлар олдидан».
19.55 «Эрталабки кўрик». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Неру». Ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм («Центрнаучфильм» ва «Филмз-Дивижн» (Ҳиндистон).
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Яак Йоала ва Марью Ляник куйлайди.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Хлорелла дўстларини излайди». Телефильм (Тошкент).
12.05—12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.10 Совет тасвирий санъатида В. И. Ленин образи.
15.40 А. Гайдарнинг ҳаёти ва китоблари.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кржижановский». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Музикали киоск».
19.30 «Сиз бунга қодирсиз».
20.15 «Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Баскетбол. Кубок эгаларининг кубоги учун. Эркаклар. «Жальгирис» (Каунас)— «Ландесгир» (Австрия). Каунасдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Фруза». Телевизион бадиий фильм.
23.30 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Трамплиндан сакраш. Австриядан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Аччиқ тақдир». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Полиз ҳамма учун». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
19.15 «Ўй муборак». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Фитиль». Ҳажвий киножурнал.
19.55 «Чорвадор» программаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 А. Н. Островский номли Тошкент театр-рассомлик институти студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Анна Павлова». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Бригаданинг туғилган куни». Телефильм.
18.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчи экрани.
20.50 Ўқув программаси.
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 24. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Моҳир қўллар».
10.05 «Ҳайвонот оламида».
11.05 «Эрталабки кўрик». Бадиий фильм.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Телефильмлар.
15.55 «Концерт залида мактаб ўқувчилари».
17.00 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
17.30 «Расмларда қуёш акси бор».
17.45 «Миллионлар ленинча университети».
18.15 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 4х10 кмга эстафета. Эркаклар. Австриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.00 «Терентий Мальцев ҳузурида уч кун». Телефильм премьераси.
20.50 «Чашмалар».
21.30 «Время».
22.05 «Неру». Ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «МТнинг олтин фондидан». СССР халқ артисти М. М. Яншин.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Бўғулар доира бўйлаб юради». Ҳужжатли фильм.
12.05—12.35 «Сиз яратган боғ».
14.00 «Қишлоқ янгиликлари».
15.00 «Оловли аллегро». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Онамларнинг мактаби».
19.15 «Инсон ва қонун».
19.45 «Красний Октябрь» фабрикасининг духовой оркестри чалади.
20.00 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. Эркаклар. «Цибона» (Загреб, ЮСФР)— МАСК. Югославиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Нотаниш аёл». Телевизион бадиий фильм. А. Блокнинг шу номли драмаси мотивлари асосида.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. «Москва — Ватанимиз пойтахти».
10.40 «Митти Бурун». Телеспектакль (рус.).
11.40 «Олов билан юзма-юз». Телефильм.
12.00 Болалар учун. «Санъат ғунчалари» (такрорий).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.30 «Алмашлаб экиш — мўл ҳосил гарови».
19.00 «Ижодкор ва замон». Ёзувчи Алекс ла Гума билан учрашув.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. ЎзССР ҳарбий комиссари, полковник У. Р. Мўминов сўзи.
20.00 Сайловлар олдидан. «Халқ номзодлари». Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси тикувчиси Д. Умарова ҳақида телеочерк.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мақом кечаси». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти О. Алимаҳсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Турналар учмоқда». Бадиий фильм.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Қизиқарли математика.
18.50 «Бир қарич ер». Телефильм.
19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим».
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

ЖУМА, 25. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Фруза». Телевизион бадиий фильм.
11.00 Мультфильмлар.
11.30 Ҳужжатли фильмлар: «Архангельск. Биографиясининг бешинчи асри», «Қоратов: йигирманчи баҳор».
12.10 РСФСР халқ артисти Ю. Казаков чалади (баян).
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бешинчи қитъада». Австралия ҳақида киноочерк.
15.40 «Рус тили».
16.15 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
17.40 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
18.15 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Команда иккикураши. 3х10 кмга эстафета. Австриядан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.40 «Сайловлар олдидан».
19.55 «Максимнинг ёшлиги». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Неру». Ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 ГДРдан музикали кўрсатув.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Илмий-техника тараққиёти ва меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими». Илмий-оммабоп фильм.
14.25 М. Ю. Лермонтов — рассом.
15.25 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. Партия ҳақида ҳикоялар. «Эски дунёдан воз кечамиз».
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30—18.50 Янгиликлар.
19.55 «Алоҳида ғамхўрликка сазовор». Кўрсатувда РСФСР тўқимачилик саноати министри А. М. Парамонов, Орехово ип-газлама комбинатининг бош директори Б. А. Молодцов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ип йигирувчи В. Е. Гиталова иштирок этадилар. Кўрсатувни снёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 Москва область, Дубна шаҳар «Мир» Маданият уйи академик хорининг хотин-қизлар группаси ижро этади.
21.30 «Время».
22.05 «Оилавий альбом». Телевизион бадиий фильм.
23.15 «Шеъриятнинг шифобахш ҳавоси». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «10 «Б» синфдаги Костя Барабаш».
11.30 Ўқув программаси.
12.00 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (такрорий).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ота-оналар университети».
18.45 «Дунё воқеалари».
19.15 «Экиш агрегатлари шай бўлсин».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 КПСС XXVII съезди олдидан. «Ер ва эл» (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамбли солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ижодий кечаси.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация.
18.50 «Бор-йўғи ўйин». Телефильм.
19.10 «Китоб дўстлари» (рус.).
19.40 «Денгизлар, тоғлар оша». Телефильм.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Нина». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

ШАНБА, 26. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Бадиий ҳаваскорлар ижодиёти Бутуниттифоқ кўриги.
9.55 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
10.25 УССРда хизмат кўрсатган хор капелласининг концерти.
11.05 «Сизга манзур адабиётлар».
11.50 «Инсон. Ер. Коинот».
12.35 «Тўп билан машқ». Ҳужжатли фильм премьераси.
12.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ґолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 3-гвардиячи армия ветеранларининг учрашуви.
14.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.30 «Чеховга саёҳат» туркумидан. 4-фильм.
15.30 «Дунё воқеалари».
15.45 «Ума Шарма рақсга тушади» (Ҳиндистон).
16.10 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.10 Сиёсий шарҳловчи Г. Пряхин суҳбати.
17.40 «9-студия».
18.40 Мультфильм.
18.50 «Салют, фестиваль!»
21.30 «Время».
22.05 «Кинопанорама».
23.50 «Москва». Киношарҳ.
24.00 Конькида югуриш спорти бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Швециядан олиб кўрсатилади.
00.30 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Енгиш». Телефильм.
9.55 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.25 ВОЛГОГРАД ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
11.25 «Омборча». Телефильм.
11.40 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Нева истеҳкоми». Ленинграддан музикали кўрсатув.
12.40 «Саёҳатчилар клуби».
13.40 Ф. Лист. «Прелюдия»лар». Симфоник поэма.
14.00 «Будапешт бўйлаб сайр». Венгрия телевидениесининг ҳужжатли фильми.
14.15 «2-«А»даги кучли шахс». Телевизион бадиий фильм премьераси.
15.25 «Ер ва эл». Бадиий кўргазмадан репортаж.
16.00 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 20 км. Хотин-қизлар. Австриядан олиб кўрсатилади.
17.00 Москва академик хореография билим юртининг ўқувчилари рақсга тушади.
17.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Сокол». 3-давр.
18.15 «Янги номлар». Вокалистларнинг М. И. Глинка номли XI Бутуниттифоқ конкурсида.
19.10 «Халқаро обзор».
19.25 «Узундан узоқ қиш...». Ленин комсомоли номли Ленинград театри фильм-спектаклининг премьераси. Автор — Ю. Воронов.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Уйғониш». Бадиий фильм (Ҳиндистон).
23.35 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Трамплиндан сакраш. Австриядан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Мультфильмлар.
10.45 «Саломат бўлинг».
11.15 «Инсон ва табиат» (рус.).
11.45 «Театр учрашувлари».
12.30 «Ҳаёт каби тирик».
13.00 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».
13.40 Ҳиндистон республикаси эълон қилинган куннинг 35 йиллигига. К. Чандр. «Ҳаёт дақиқалари».
16.55 Кўрсатувлар программаси.

* * *

17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденияларининг биргаликдаги программаси. Олмаотадан олиб кўрсатилади.
18.00 Успенский номли музика мактаби ўқувчиларининг концерти.
18.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ялла ва рақс кечаси».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ҳинд киноси саҳифаларида». Кинокўрсатув.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 Болалар учун фильм. «Барвақт тур».
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Янгра, қўшиғимиз».
19.00 «Новости».
19.20 Кинолавҳа.
19.30 «Юмор кечаси».
20.00 «Ахборот».
20.25 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.45 Концерт.
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 27. I

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 С. Цинцадзе асарларидан концерт.
10.00 «Ревда. Урал шаҳарчаси». Телефильм.
10.20 «Спортлото»нинг 4-тиражи.
10.30 «Будильник».
11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
12.00 «Здоровье».
12.45 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув.
13.15 «Совет тупроғидаги учрашувлар».
13.30 «Қишлоқ янгиликлари».
14.30 «Музикали киоск».
15.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». В. Серов.
15.45 С. Маршак. «Мушукнинг уйи». Марказий болалар театрининг фильм-спектакли.
17.00 «Янги йил базми». Концерт программаси.
19.00 «Халқаро панорама».
19.45 «Янги йил базми». Концерт программасининг давоми (1 январдаги кўрсатув такрорлади).
20.40 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 «Анюта». Телевизион музикали фильм.
23.15 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Расмларда қуёш акси бор».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Центрнаучфильм» студиясининг илмий-оммабоп фильмлари: «Авлодлар учун ахборот», «Хотира дафтари».
11.05 Москва. Консерваториянинг катта залы. «Хортис музикус» қадимий куйлар ансамблининг концерти (Эстония).
12.40 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
14.05 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевикторина. 1984 йилнинг финал кўрсатуви.
15.55 «Омега» варианти». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
17.15 «Ҳайвонот олмида».
18.15 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.50 «Машҳур совет ижрочилари—Ленин мукофотининг лауреатлари». С. Прокофьев. Скрипка ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
19.15 «Менга чақмоқ ҳадя этинг». Телефильм.
19.35 Чана спорти бўйича жаҳон чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.
20.05 Спидвей бўйича жаҳон чемпионати. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Дунё ва ёшлар».
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.05 «Юлдузлар алмашинади». Бадиий фильм (Венгрия).
23.20 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 50 км. Эркаклар. Австриядан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Телевизион миниатюралар театри (такрорий).
11.10 «Қувноқ стартлар».
12.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Сайловлар олдидан. «Мен овоз бераман».
12.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
14.25 Реклама.

* * *

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Мультфильмлар.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қарокчилар ва созандалар». Катталар учун мультфильм.
20.10 Кечки концерт.
20.30 «Ахборот».
20.50 СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 СССР халқ артисти Зайнаб Хонларова концертининг давоми.
23.30 Кўрсатувлар программаси.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 Кўрсатувлар программаси.
16.05 «Экран — болаларга».
16.20 Ҳужжатли фильмлар.
17.10 «Новинки» киноклуби.
18.25 «Сайловлар олдидан».
18.40 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди».
19.00 Москва. «Халқаро панорама».
19.45 Ўш кўрсатади.
20.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Солдат ва ўрокчи».
20.50 «Музикали учрашувлар». СССР халқ артисти Б. Минжилкиев.
21.30 МТ II

ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.

Янги рубрика: қаҳрамонлар орамизда

ЮЛДУЗ ЁҒДУСИ

1941 1945

ПАВЕЛ Олмаота ҳарбий-пиёда билим юртини тугатгач 1943 йилнинг июлида курсантлар бригадаси билан Воронежга бориб тушди. Бу ернинг ёзи, об-ҳавоси ўзи туғилиб ўсган Қирғизистоннинг иқлимига ўхшаш экан. Бироқ бу ерда ҳозир жангу жадал кетяпти. У ўн тўққиз ёшда. Лекин табиатга мафтун бўладиган, сўлим-салқин ўрмонлар оғушида ширин орзу-ҳаёллардан энтикадиган давр эмас. Уруш! Юзлаб, юз минглаб Павелга ўхшаш болаларни бирдан «улғайтириб» қўйган, уларнинг ёшлигини ўғирлаган лаънати уруш!

Фронт йўллари бошланди. Уларнинг взводи Днепр дарёсини кечиб ўтиб нариги қирғоқда пистирмани ишғол этиши керак эди. Жанговар топшириқ шундай.

Тахталардан ясалган қўлбола «қайиқ»да дарёни кечиб ўта бошлашди. Омонэсон нариги қирғоққа етиб олдилар. Бироқ эрга қадам қўйишлари билан ўқлар ёмғири остида қолишди. Орқага йўл йўқ. Фақат жанг қилиш, зарбага қарши туриб бериш, сўнг... олға жилиш керак. Улар 12 киши, иккита расчет эди. Павел аъзо бўлган олти кишилик расчет шу ернинг ўзида қолди, иккинчи расчет эллик қадамча нарига силжиди. Жанг давом этарди. Буларнинг қуроли иккитагина танкка қарши қўл тўпи. Фашистларда эса ваҳшатли танклар! Бироқ совет солдатларида у танклардан ҳам кучлироқ қурол бор эди, бу қурол — она-Ватаннинг қадрдон тупроғи. Улар шу тупроққа оёқ босиб турардилар, шу тупроқдан куч-қувват олмоқда эдилар!

Ана, танклар бостириб келмоқда. Олти кишининг устига ўнга яқин танк. Отиш, фақат отиш керак. Бошқа йўл йўқ. Нақд ўлим билан юзма-юз олишиш керак.

Олишдилар!

Расчёт командири ҳалок бўлди. Унинг ўрнини дарҳол Павел эгаллади. Тартиб шунақа, командир сафдан чиқса унинг ўрнини наводкачи эгаллаши керак. Павел наводкачи эди.

Жанг давом этмоқда. Гладков снарядлар билан тўпни ўқлаб турибди, Живенко билан Дорошенко снарядларни ташиб етказиб беришмоқда. Павел Пономарев станинага ўтирволиб, даҳанини тўпнинг кўргичига қўйиб, дарахт-буталар орқасидан бу томонга келаётган танкни қидириб топади. Нишонга олади. Фашист танки ўрнида тутун пайдо бўлади.

Бирнеча соатгина давом этган олишувда Павел Пономарев командирлик қилган расчёт душманнинг еттита танкини, олтмишга яқин фрицни йўқ қилди. Қолганлари юрак бетлаб келолмади, ўша манзилдан ортга қайтди...

Расчётнинг ҳамма жангчилари турли орденлар билан тақдирланишди. 1943 йилнинг декабрида П. Пономарев фронт қўмондони маршал Коневдан табрик хати олди. Орадан кўп ўтмай Павел Сергеевич Пономаревга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида Фармон чиқди...

Шундай қилиб, Павел Сергеевич ўн тўққиз ёшида юксак унвонга сазовор бўлди. Беқиёс мардлиги ва катта жасорати учун!

Сўнг у яна олис фронт йўлларини босиб ўтди, кўп жангларда қатнашиб, Қаҳрамонга хос жасорат намуналарини кўрсатди.

Павел Сергеевичнинг ҳаёти 1944 йилдан бери Тошкент билан боғлиқ. Ўша йили май ойида у Ленин номли олий умумқўшин командирлари билим юртига ўқишга юборилди, 1946 йилда касаллиги туфайли демобилизация қилинди.

Павел Сергеевич армияга жўнамасдан олдин гўшт комбинати ҳузуридаги билим юртини тугатган эди, энди урушдан сўнг Тошкентда савдо тармоқларида ишлай бошлади. 1979 йилда пенсияга чиқди.

Павел Сергеевичнинг онаси Юлия Григорьевна ҳаёт, ҳозир ҳам Фрунзеда яшайди. Укалари Анатолий, Николай, Владимирлар билан борди-келди қилиб туришади, кўпинча онасининг ҳузурида йиғиладилар. Шунда кампир Юлия Григорьевна исмдош эвараси Юлияни ҳаммадан кўпроқ суйиб меҳмон қилади. У Павел Сергеевичнинг невараси, қизи Надежданинг фарзанди. Надежда иқтисодчи, ўғли Александр эса инженер, Тўйтепа қурилиш ташкилотида ишлайди.

Яқин келгусида улар яна йиғилишади. Бу сафар Тошкентда. Меҳмонлар ўғлини, онасини, отасини, бувасини — Павел Сергеевич Пономаревни Ғалабанинг 40 йиллиги билан муборакбод этадилар. Шунда Павел Сергеевичнинг чеҳраси ҳам, кўкрагидаги Олтин Юлдуз ҳам минг бир жилва билан товланади. Совет солдатига сочилаётган ёғдудан, меҳрдан...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ПОЛОТНОЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига Москва, Ленинград, Харьков ва Киевнинг кўплаб рассомчилик институтлари, музейлари эвакуация қилинган эди. Бу воқеа Ўзбекистонда ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида кўплаб асарлар яратишга таъсир кўрсатди.

Тошкентда ижод этган таниқли санъаткорлар орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ рассоми академик Василий Касиян, Ленин мукофотининг лауреатлари, СССР халқ рассомлари Сергей Герасимов, Владимир Фаворский, Игорь Грабарь, Дмитрий Моорлар бор эди.

Уруш йилларида улар яратган асарлар асосида 25 та бадиий виставка ташкил қилинган. Виставкалар «Ватан ҳимоясига», «Урушнинг икки йили», «Ўзбекистон тасвирий санъати 20 йил ичида» деб номланган эди.

Мана шу кўргазмаларда республикамизнинг таниқли рассомлари Павел Беньков, Ўрол Тансиқбоев, Виктор Уфимцев, Лутфулла Абдуллаев, Зинаида Ковалевская ва бошқа кўплаб санъаткорларнинг асарлари ҳам намойиш этилган.

Бу расмлар ҳозир ҳам музейларда, архивларда сақланмоқда. Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги олдидан ташкил қилинадиган кўргазмаларда улар билан тошкентликлар, шаҳримиз меҳмонлари, Улуғ Ватан уруши иштирокчилари яна бир бор танишиш шарафига муяссар бўладилар.

О. АПУХТИН.

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигида қўшиқчи шоирлар ва композиторларнинг буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари У. Р. Умарбеков ёшларни коммунистик ахлоқ ва сталар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашда қўшиқ ва музиканинг роли ҳақида гапириб, суҳбат иштирокчилари эътиборини ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги қўшиқларни кўпроқ яратишга қаратди.

Давра суҳбатида шоир ва композиторлардан: Назармат, Г. Нуруллаева, Н. Наразуллаев, Р. Фарҳодий, Ҳ. Муҳаммад, М. Насимов, М. Маҳмудов, М. Бафоев, А. Мансуров, Ф. Янов-Яновский, В. Сапаров, В. Михов, А. Берлин, маданият министрлиги репертуар-редакцион коллегиясининг бош редактори А. Иброҳимов, коллегия аъзоси Д. Алимовлар бу борадаги ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

С. ҲАКИМОВ.

ЙИЛ ЯКУНИ ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси илғор тажриба мактабига айланган. Бу ерга ташриф буюрганлар Совет Ўзбекистонининг фан, маданият ҳамда халқ хўжалигининг барча тармоқларида эришаётган ютуқлари билан яқиндан танишадилар.

Ўтган йили Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллик юбилейи арафасида кўргазма павильонларидаги барча экспозициялар янгиланиб, 12,5 минг квадрат метр майдонда «Ўзбекистон ягона оилада» деб номланган тармоқлараро кўргазма ташкил этилди. Шунингдек, бош павильон 1900 квадрат метрга кенгайди.

1984 йилда кўргазма коллективи томонидан 40 соҳалараро ва тематик, 17 кўчма кўргазма, 72 семинар-кенгаш ва бир қатор илғор тажриба мактаблари ўтказилди. Айниқса, «Фан ишлаб чиқаришга—84», «Илмий техника жамияти — илмий техника тараққиётига» ҳамда «Халқ истеъмоли моллари» деб номланган кўргазмалар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ҳамда Ғалабанинг 40 йиллиги нишонланадиган йилда кўргазма коллективи олдида янада масъулиятли вазифалар турибди. Бўлиб ўтган матбуот конференциясида кўргазма бош директори, республикада хизмат кўрсатган экономист И. Азизов ана шулар ҳақида кенг тўхталди. У журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

А. ҲАКИМОВ.

ҚУТЛАЙМИЗ

ЖАНГЧИ АДИБ

— У Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Фронтда душманга қарши жангларда актив қатнашганлиги учун III даражали Шуҳрат ордени ва бир қанча медаллар билан мукофотланган. Урушнинг охирида оғир яраланди. Даволангандан кейин ҳарбий хизматдан бўшаб Тошкентга келди. Республика комсомол ташкилотларида ишлади. 1953 йилдан ижодий иш билан шуғулланди. Сўнгра оддий жангчи, коммунист Владимир Иванович Тюриков республика ёшлар газеталари редакцияларида, сўнг «Вечерний Ташкент» ва «Тошкент оқшоми» газеталари редакцияларида раҳбар вазифаларда ишлади. Ҳозирги вақтда у «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича мухбиридир.

Жангчи адибнинг замондошларимиз, фронтчи ветеранлар ва чўлларни забт этаётган баҳодир ёшларимиз ҳақида ёзган бир неча очерк ва ҳикоялар тўпламлари китобхонлар томонидан севиб ўқиб келинмоқда. У китобхонларга ўзининг «Биз яшаётган уй», «Отаҳар йўли», «Болакай ўн икки ёшда эди», «Октябрь шунқорчалари», «Батальон комсорги», «Уруш бораётганда» ва бошқа асарларини тақдим этди. Унинг 1974 йилда Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган «Ярим аср солномаси» асари (1924—1974 йиллар) республикамизнинг 50 йил мобайнидаги маданий ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади.

Владимир Иванович журналист ва адиб сифатида республикамизнинг турли жойларида тез-тез бўлиб туради. Унинг шу куннинг муҳим темаларидаги материалларини республика ва марказий газеталарда ўқиб турамиз. Матбуотда ва адабиётда самарали ишлаб келаётгани учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони ва республика Ленин комсомоли мукофоти берилган.

Фронтчи адиб дўстимиз 60 ёшга тўлди. Куни кеча республикамиз пойтахти адабий жамоатчилиги унинг 60 йиллигини нишонлади.

НАЗАРМАТ.

«ЁШ ЮРИСТЛАР» МАКТАБИ

Николай Островский номли Тошкент шаҳар пионер ва ўқувчилар саройида 178 хил тўгарак ва 20 та клуб ишлаб турибди. Машғулотларда 2800 ўқувчи қатнашмоқда. Тўгаракларда ўқувчиларни фақатгина касб танлашга ўргатибгина қолмай, балки уларни эстетик ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўтган йили саройда 8—10 синф ўқувчилари ташаббуси билан Р. Слуцкер раҳбарлигида «Ёш юрист мактаби» ташкил этилди. Бу мактабда социалистик қонунчилигимизга доир турли мавзуларда суҳбат ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Шаҳардаги 47-темир йўл билим юрти талабалари ҳам бу мактабнинг актив тингловчиларидир.

Мактаб машғулотларини ўтказишда тажрибали адвокатлар М. Виленский, И. Ёқубов, И. Капустянский, А. Литвинов ва Куйбишев район милиция бўлими инспектори Э. Женгуразова ўртоқлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Республикамизда биринчи ташкил этилган бу мактабнинг иш тажрибасини кенг оммалаштирса арзийди.

М. АЗИМОВА.

Р. Слуцкер «Ёш юристлар мактабининг навбатдаги машғулотини олиб бормоқда.

А. Абалян фотоси.



СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ЧАНҒИ СПОРТИ. «Чимён»да ўтказилган тоғ чанғи спорти бўйича халқаро мусобақалар ниҳоясига етди. Унда СССР, Болгария, Польша, Чехословакия, Руминия ва Ўзбекистон спортчилари иштирок этди. Бу спорт тури республикамизда эндигина оммавийлашиб келмоқда. Шунинг учун ҳам вакилларимиз эришган натижалар унчалик юқори бўлмади. Роднон Стенин 55 спортчи орасида тўққизинчи, Татьяна Ачкасова 35 спортчи орасида ўн тўртинчи ўринни олди.

● ХОККЕЙ. «Бинокор» навбатдаги учрашувларни Далногорск шаҳрида «Горняк» клубн билан ўтказди. Тошкентликлар 5:3 ва 4:2 ҳисобида устун келишди.

● БАСКЕТБОЛ. Ленинградда аёллар ўртасида биринчи лига вакилларининг учинчи тур ўйинлари бошланди. Тошкентнинг Физкультура институти спорт клуби Москванинг «Динамо» командаси билан учрашиб 86:83 ҳисобида ғалабага эришди.

Андижонда эркаклар ўртасида олий лига вакилларининг 9—12 ўринлар учун баҳслашаётган командалари кураши бошланди. Вильнюснинг «Статиба» баскетболчилари Владивостокнинг «Спартак» командасини 95:88 ҳисобида енгишди. Москванинг «Динамо» баскетболчилари об-ҳаво ноқулайлиги сабабли мусобақага вақтида етиб келишмаганлиги учун уларнинг «Университет» командаси билан бўладиган учрашуви бошқа кунга кўчирилди.

ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

РЕВСОМОЛ ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА

УЛАН-БАТОР, 17 январь. (ТАСС). Ёшлар ва студентларнинг Москвада бўладиган жаҳон фестивали дунё ёшларининг империализмга қарши бирдамлигининг чинакам намойишига айланиб, ядро хавфига қарши тинчлик, озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашда планета ёшларига янги омил бўлиб хизмат қилади, деди бу ерда Монголия ревсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари, ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивалига тайёргарлик кўрувчи Монголия миллий комитети раисининг ўринбосари С. Нарангэрэл.

Республика ревсомоли фестивалга актив тайёргарлик кўрмоқда. Фестивалга бағишланиб, ёшлар ватанпарварлик ишлари эстафетаси, лекциялар, учрашувлар, виставкалар ўтказилмоқда. Ана шу тадбирлардан мақсад — фестиваль ғоялари ва аҳамиятини ҳар бир йигит-қиз онгига етказишдан иборат.

Ревсомоднинг ташаббуси билан МХРда бошланган тинчлик юриши Москвадаги ёшлар анжуманига тайёргарликнинг энг муҳим ажралмас қисмидир. Тинчлик юриши Монголия йигит ва қизларининг урушнинг олдини олиш, инсоният хавфсизлиги ва ёрқин келажаги йўлида имкони бўлган барча ишларни қилишга азму қарор берганлигининг ёрқин далили бўлди, деди С. Нарангэрэл.

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИ БОШЧИЛИГИДА

НЬЮ-ЙОРК. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Кипр президенти, оролдаги греклар жамоаси раҳбари С. Киприану билан турк жамоаси раҳбари Р. Денкташ ўртасида музокаралар бошланди. Музокаралар БМТ бош секретари Перес де Куэльяр бошчилигида ўтмоқда. Куэльяр хавфсизлик кенгашининг топшириғига биноан томонларга Кипрни суверен, территориал жиҳатдан яхлит давлат, қўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси сифатида сақлаб қолиш мақсадида Кипр масаласини ҳал этиш планини тақдим этди. Иккала жамоа раҳбарларининг учрашувидан олдин БМТ бош секретарининг воситачилигида билвосита музокаралар бўлиб ўтган эди. Перес де Куэльяр музокаралар бошлаш тўғрисида аҳдлашувга эришилганлигини «Кипр проблемасини ҳар томонлама ҳал этиш йўлида қўйилган ижобий қадам» деб таърифлади.

БМТ доираларида империалистик кучларнинг Кипр ички ишларига аралашаётганлиги проблемани сиёсий жиҳатдан адолатли бартараф этиш асосларига жиддий путур етказмоқда, деган фикрни билдирмоқдалар. Маълумки, империалистик кучлар оролни шарқий Ўрта денгиздаги стратегик плацдармга айлантиришга интилмоқдалар.

Д. ОРТЕГАНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатлар маъмуриятининг Марказий Америкада ўтказаётган сиёсати асосан Никарагуа революцияси ғалабаларини тугатишга уринишдан иборат бўлиб, бутун регионда вазиятни нормаллаштиришга тўсқинлик қилмоқда, деди Никарагуа президенти Даниэль Ортега «Вашингтон пост» газетаси мухбири билан суҳбатда. У АҚШни Никарагуа ва Марказий Америкадаги бошқа мамлакатларга нисбатан янги мустамлакачилик сиёсати ўтказишдан воз кечишга даъват этди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ЛИССАБОН. Португалиянинг меҳнаткаш металлургларги бугун бутун мамлакатда кураш кунини ўтказмоқдалар. Саноатнинг шу тармоғидаги 200 минг ишчи ва хизматчини бирлаштирувчи касаба союзлари федерациясининг даъватига биноан улар митинглар, йиғилишлар, қисқа муддатли забастовкалар ўтказмоқдалар. Намойишларининг қатнашчилари бир неча ойдан бери ушлаб қолинаётган иш ҳақи тўланишини, коллектив шартномалар қайта кўриб чиқилишини, шунингдек ҳукуматнинг меҳнат тўғрисидаги қонунларни ревизия қилиб, ишчиларнинг забастовка қилиш ҳуқуқини кескин чеклаш ва кўплаб ишдан бўшатиш учун йўл очиш режалари бекор қилинишини талаб этмоқдалар.

● НИКОСИЯ. Мамлакатнинг энг катта касаба союз бирлашмаси — Умумкипр меҳнат федерацияси (ПЭО) инглиз шахтёрларига ёрдам фондига маблағ тўплаш кампаниясини муваффақиятли давом эттирмоқда. Федерациянинг бош секретари Андреас Зиартидиснинг таъкидлашича, инглиз шахтёрлари меҳнат қилиш ҳуқуқининг ўзи учун, ўз касаба союз ташкилотига эга бўлиш учун мардона курашмоқдалар. Консерваторлар ҳукуматининг мақсади — иқтисодий кризис оқибатларини меҳнаткашларнинг гарданига юклашдан, инглиз шахтёрларининг жанговар пешқадам касаба союзини заифлаштириш ва тугатишдан, шу тариқа бутун касаба союз ҳаракатини заифлаштиришдан иборат, деб таъкидлади у.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

● БАЙРУТ. Ливан ватанпарварлари мамлакат жанубида исроиллик босқинчиларга тобора кучли зарбалар бермоқдалар. Бу ерга етиб келган хабарларда айтилишича, кечаги кун мобайнида улар учта муваффақиятли операция ўтказдилар. Хасбая ва Бинт—Жбейл яқинида агрессорларнинг механизациялашган соқчилари партизанлар қўйган миналарга урилиб портлаб кетдилар. Сайда шаҳрининг марказида қаршилик ҳаракатининг бир гуруҳ жангчилари босқинчиларнинг ҳарбий техникаси колоннасига ҳужум қилдилар. Ватанпарварларнинг дадил ҳаракатлари натижасида Исроилнинг бир неча солдати ўлдирилди ва иккита бронетранспортери яксон қилинди.



✦ Кампучия Халқ Республикаси юксалиш йўлидан бормоқда. Мамлакатда халқ хўжалигининг барча тармоғи қатори маориф ҳам барқ уриб ривожланмоқда. Суратда: пойтахт университети студентлари машғулот пайтида.

ВИА—ТАСС фотоси.

[«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сони 20 январда чиқади].

Редактор Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармасининг

9-АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ КОРХОНАСИ

«С» категориясидаги 3-класс ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати—ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 5,5 ой.

Ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Курсларга Совет Армияси сафларида хизматини ўтаган йигитлар қабул қилинадилар. Курслар битирилгандан кейин 2 йил мобайнида ишлаб бериш лозим.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Корхона қошида болалар боғча-яслиси бор.

Мурожаат этилсин: Тошкент области, Наримонов шаҳри, Лихачев кўчаси (171, 183-автобусларнинг «9-автобаза»; 15, 18-автобусларнинг «Қўйлиқ» бекатлари).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг СИМЛИ ЭШИТТИРИШ АЛОҚА КОРХОНАЛАРИГА

радиолаштириш линияларн ремонти бўйича алоқа электромонтёрлари ва шу линиялардан фойдаланиш бўйича алоқа электромонтёрлари. Меҳнатга ҳақ тўлаш-вақтбай. Радиолаштириш линияларидан фойдаланиш бўйича алоқа электромонтёрларига кенгайтирилган зонага хизмат кўрсатишга рухсат этилади; радиотрансляция нуқталарини ўрнатиш ва ремонт қилиш бўйича алоқа электромонтёрлари. Меҳнатга ҳақ тўлаш-ишбай; нутқ товушини кучайтириш аппаратураларига хизмат кўрсатиш бўйича техниклар, симли эшиттириш аппаратураларига хизмат кўрсатиш ва ремонт қилиш бўйича техниклар, радиоэшиттиришлар учун абонентлик ҳақини қабул қилиш ва тўплаш бўйича операторлар, материаллар омбори мудири, машинистка, ҳайдовчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Корхонада меҳнатга мукофотли ҳақ тўлаш йўлга қўйилган.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетарская кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона—аҳолини ишга жойлаштириш ва хабардор қилиш марказий пункти ҳамда Тошкент шаҳар район ижроия комитетларидаги инспекторларга.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/1 да Отелло. 20/1 да Юлдузли тунлар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/1 да Тоҳир ва Зуҳра (билетлар сотилган), 20/1 да Мангулик (билетлар сотилган).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — АБВГДейка. 10.10 — Илмий-оммабоп фильм. 10.20 — Поэзия. 11.05 — Киноочерк. 11.35 — Ўртоқ қўшиқ. 12.20— Москвичка. 13.50 — Оила ва мактаб. 14.20 — Чеховга саёҳат. 15.20 — Дунё воқеалари. 15.35 — Мультфильм. 15.45— Сиёсий шарҳловчи суҳбати. 16.15 — Бутуйжаҳон енгил атлетика ўйинлари. 16.45 — Ю. А. Жуков суҳбати. 17.15— Ҳайвонот оламида. 18.15 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — А. С. Грибоедов. Ақллилик балоси. 21.30 — Время. 22.05 — Фильм-концерт. 23.15 — Бутунжаҳон енгил атлетика ўйинлари. 24.00 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Агар соғлом бўлдай десангиз. 9.25 — РСФСР халқ артистлари Н. Большакова ва В. Гуляев рақсга тушадилар. 9.55 — Сиз яратган боғ. 10.25 — Тонгги почта. 11.10 — В. А. Гранаткин хотираси учун футбол бўйича халқаро ўсмирлар турнири. СССР-1—СССР-2 терма командалари. 11.50 — Велосипед бўйича СССР чемпионати. 12.15 — Саёҳатчилар клуби. 13.15 — Қирғизистон телевидениесининг программаси. 14.15 — Концерт. 14.45 — Балли қизлар. 16.45 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Сокол». 18.15 — Мультфильмлар. 18.45 — Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. 19.30 — Халқаро обзор. 19.45 — Сиз бунга қодирсиз. 20.30 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Здоровье. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. Химик—МАСК. 23.15 — Мўъжизасизмўъжизалар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Ҳужжатли кино экрани. 11.10 — Шахмат мактаби. 11.40 — Мультфильм. 12.00 — Л. Каюмов. Қалдирғоч. Телеспектакль. 13.40 — Фарғона области СССР 60 йиллиги номли Қува мебель комбинати қошидаги «Гўзал» ашула ва рақс ҳаваскорлик ансамблининг концерти. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Болалар учун. Санъат ғунчалари. 19.00 — Фан уфқлари. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Катталар учун мультфильмлар. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Эстрада концерти. 21.30 — Время. 22.05— Қишлов чорвадорлар учун масъулиятли давр. 22.20 — Экранда кинокомедия «Қайнона».

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ / "Ташкентская правда"/

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32



Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.

Р. 11033. А. 1624. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12